



ШАХСНИНГ ШАКЛЛАНИШИДА ОИЛАВИЙ ВА ДИНИЙ ТАРБИЯНИНГ АҲАМИЯТИ

Чирчиқ шаҳар политехникуми
*Тарих фани ўқитувчиси **Ф.О.Расулова***

АННОТАЦИЯ: Ушбу мақолада инсон ҳаётида муҳим аҳамиятга эга бўлган тушунчалардан бўлган маънавият, илм, маърифат, таълим-тарбия ва унинг ёшлар тарбиясидаги ўрни, шахс билими ва одоби, тарбия, оилавий , диний тарбия ва бу тушунчаларнинг инсонлар ҳаётида тутган ўрни, одоб ва тарбия ҳақида буюк мутафаккирларимизнинг қимматли фиклари билан танишамиз.

АННОТАЦИЯ: В данной статье рассматривается значение духовности, науки, просвещения, образования и его роль в воспитании молодежи, личных знаний и этикета, воспитания, семьи, религиозного воспитания и роль этих понятий в жизни человека, этикета и воспитания наших великих мыслителей. познакомиться с его ценными идеями.

Калит сўзлар: Маънавият, таълим-тарбия, диний тарбия, оилавий тарбия, билим, одоб-ахлоқ, шахс, маънавий баркамол инсон, инсоний фазилятлар, Маънавий баркамол инсон.

Ключевые слова: Духовность, образование, религиозное воспитание, семейное воспитание, знания, нравственность, личность, духовно зрелый человек, человеческие качества, духовно зрелый человек.

М.АЗ-ЗАМАХШАРИЙ: «ЁКИ ИЛМЛИ БЎЛ, ЁКИ ИЛМГА ТАЯНИБ ИШ ТУТАДИГАН БЎЛ, ЛОАҚАЛ ИЛМНИ ТИНГЛАБ ЭШИТАДИГАН БЎЛ».

Бу мақолада сизлар билан инсоннинг шаклланишида оилавий тарбия, диний тарбия ва диний тасаввурларнинг аҳамияти ҳақида гаплашамиз.



Бизни тилимизда кўзга кўрингани, намоён бўлгани учун инсонни башар, инсониятни эса башарият дейдилар. Жисм эгаси бўлмиш ҳар бир киши шахс даражасига кўтарила олмаслиги ҳам мумкин.

Шахс – билим, одоби, хулқи ва бошқа фазилатлари билан ажралиб турувчи, ўз маънавий қиёфасига эга одамдир.

Маънавиятни шакллантиришга бевосита таъсир қиладиган муҳим ҳаётий омил – бу таълим-тарбия тизимидир.

Маълумки, ота-боболаримиз қадимдан бебаҳо бойлик бўлмиш илму-маърифат, таълим ва тарбиянинг инсон камолоти ва миллат равнақининг энг асосий шarti ва гарови деб билган.

“Таълимни тарбиядан, тарбияни таълимдан ажратиб бўлмайди – бу шарқона қараш, шарқона ҳаёт фалсафасидир”.

И.Каримов: “Юксак маънавият-енгилмас куч”.

Биз устозлар нафақат дарс жараёнида мавзуни ўтишимиз, балки айнан шу дарс жараёнларида ўқувчиларимиз қалби ва шуурига мана шундай юксак ахлоқий қадриятлар бўлган маънавиятни, маърифатни, улуғ инсоний фазилатларни бебаҳо маънавий бойлигимиз бўлмиш Ҳадисларимиздан мисоллар келтириш билан, таълим-тарбияга ўзларининг қарашлари билан улкан ҳисса қўшган маънавият юлдузларининг фикр-мулоҳазалари билан тушунтириб, дарс жараёнини безмоғимиз лозимдир.

Энди эса сиз билан инсоннинг шахс бўлиб шаклланишида асосий роль тутадиган жараён тарбия, унинг моҳияти, диний тарбия ҳақида суҳбатлашамиз. Шу ўринда жадид мутафаккир А.Авлонийнинг тарбияга берган таърифини эслаб ўтишни жоиз деб билдик:

“Тарбия биз учун ё ҳаёт - ё мамот, ё нажот - ё ҳалокат, ё саодат – ё фалокат масаласидур” деган фикрлари гоятда ўринлидир. Чунки оилада олинган тарбия ўқувчини (инсонни) ушбу оилани ё саодатга, ёки фалокатга сари етаклайди.



Доно халқимиз тарбия маскани бу аввало оиладир, деб бежизга айтмаганлар.

Оилавий тарбия боланинг шаклланишида муҳим манбадир. Ота ёки она ўзи тарбия кўрмаган бўлса, у қандай қилиб фарзандига тарбия беради. Масалан, ота ичади, ёки чекади. У фарзандидан нимани талаб қила олади?

Она- фарзандига насиҳат ёки тўғри маслаҳат беришга вақти йўқ. Фарзанд кимдан маслаҳат сўрайди. Мана шу ўринда яна бир халқимизнинг мақоли ёдимга тушди: **“Қуш уясида кўрганини қилади”**.

Ўқитувчилар ўқув машғулотларини олиб борар эканлар-бу жараёнда улар бир вақтда- ўқитувчи, тарбиячи, ота, она, опа ёйинки ака вазифасини бажаради. Менимча, биз устозлар мана шундай йўл билангина ўқувчиларимиз қалбида Ватанга, фанга, мавзуга бўлган қарашлари ва қизиқишларини уйғота оламиз.

Таълим — билим бериш, малака ва кўникмалар ҳосил қилиш жараёни, кишини ҳаётга ва меҳнатга тайёрлашнинг асосий воситаси. Таълим жараёнида маълумот олинади ва тарбия амалга оширилади. Таълим тор маънода ўқитиш тушунчасини англатади. Лекин у фақат турли типдаги ўқув юртларида ўқитиш жараёнини эмас, оила, ишлаб чиқариш ва бошқа соҳаларда маълумот бериш жараёнини ҳам билдиради.

Тарбия — шахсда муайян жисмоний, руҳий, ахлоқий, маънавий сифатларни шакллантиришга қаратилган амалий педагогик жараён; инсоннинг жамиятда яшаши учун зарур бўлган хусусиятларга эга бўлишини таъминлаш йўлида кўриладиган чора тадбирлар йиғиндиси. Тарбия инсоннинг инсонлигини таъминлайдиган энг қадимий ва абадий қадриятдир. Тарбиясиз алоҳида одам ҳам, кишилиқ жамияти ҳам мавжуд бўла олмайди. Чунки одам ва жамиятнинг мавжудлигини таъминлайдиган қадриятлар тарбия туфайлигина бир авлоддан бошқасига ўтади.

Диний тарбия



Дин ижтимоий бирликлар ва гуруҳлар мафкуриси ва психологиясининг таркибий қисми, байрам, урф-одат ва маросимларнинг манбаи бўлиб, жамоа ва гуруҳлар фикрини шакллантиради, шахс ва ижтимоий гуруҳларнинг дастурларини, кадрият йўналишлари ва мотивларини белгилайди. Шу билан бирга, диннинг пайдо бўлиши ва эволюцияси, муайян жамиятдаги шарт шароитни унинг дастлабки шакллари - сеҳргарлик, тотемизм, фетишизм, оташпарастликларни ўрганиш, шунингдек турли ижтимоий-иқтисодий формацияларда диннинг пайдо бўлиш, мавжуд бўлиб туриш шарт-шароитлари ва илдизларини ўрганишни ҳам тақозо этади.

Дин тушунчаси кўп қиррали, мураккаб ва зиддиятли ижтимоий ҳодисани ифодалайди. Дин сўзи ўзбек тилига араб тилидан кириб келган бўлиб, ишонч, инониш маъноларини билдиради. Эътиқод ҳам арабча бўлиб, чуқур ва мустаҳкам ишонч демакдир. Дин ва диний эътиқод фан шакллана бошлагандан фалсафий фанларнинг етакчи мавзуси бўлиб келган. Айнан динга муносабатда, дунёни билишда файласуфлар турли оқимларига ажралиб кетишган.

Барчамизга яхши маълумки, дин азалдан инсон маънавиятининг таркибий қисми сифатида одамзотнинг юксак идеаллари, ҳақиқат, инсоф ва адолат тўғрисидаги орзу-армонларини ўзида мужассам этган, уларни барқарор қоидалар шаклида мустаҳкамлаб келаётган ғоя ва қарашларнинг яхлит бир тизимидир.

Динлар: политеистик ва монотеистикга бўлинади. Политеизм (юн. Poly-кўп, theo-худо)-кўп худолик тўғрисидаги таълимотга: ибтидоий динлар, миллий динлар туркуми ва Буддавийлик киради. Монотеизм (юн. Monas-якка, theo-худо)-якка худоликга: Яҳудийлик, Зардуштийлик, Насронийлик ва Ислом динлари киради.

Исломда дин: ақида, шариат, тариқат бобидаги илоҳий кўрсатмалар. Ақида (имон, иймон)-Аллоҳга, фаришталарга, Илоҳий китобларга, пайғамбарларга, қиёмат кунига, тақдирга, ўлгандан кейин



тирилишга ишониш. Шариат (қонунчилик) - ҳукмлари қуръон, суннат, ижмо, қиёсдан олинади. Тариқат (йўл, усул) - Марказий Осиёда яссавийлик, кубровийлик, нақшбандийлик мавжуд.

Дин ижтимоий онг шаклларида бири бўлиб, унинг мавжудлиги ҳам ижтимоий борлиқ билан белгиланади. Яъни кишиларнинг ижтимоий ҳаёти моддий шароитга кўп жиҳатдан боғлиқ. Ижтимоий ҳаёт шу шароит оқибатида жамият билан табиат орасидаги бирлиқнинг муайян кўриниши бўлган ҳукмрон ишлаб чиқариш усулининг ривожланиш даражасидан келиб чиқади. Демак, ижтимоий борлиқ, бир томондан, жамият билан табиат орасидаги бирлиқни, иккинчи томондан, жамиятдаги кишилар орасидаги ўзаро муносабатни қамраб олади. Дин ижтимоий онг шакли сифатида ана шу вазиятнинг муайян кўринишларининг инъикосидир.

“Адаб – хулқни чиройли қилиш, сўзни ва феълни соз қилишдир.

ХИЗМАТ ОДОБИ улуғ бахтдан яхшироқ, унинг белгиси амалнинг қабули, туғёни эса амалнинг бузуқлигидир”.

Б.Нақшбанд.

“Кўрдимки, энг ноёб неъмат ростгўйлик ва қаҳрамонлик, энг оғир оғриқ эса ёмон ва мунофиқ дўстлар экан”.

Н.Кубро.

“Тарбия биз учун ё ҳаёт – ё мамот, ё нажот – ё ҳалокат, ё саодат – ё фалокат масаласидур”.

А.Авлоний: “Туркий Гулистон ёки ахлоқ”.

“Бизларни хонавайрон, беватан ва банди қилган тарбиясизлик ва жаҳолатдир”.

М.Бехбудий.

Шахснинг дунёқарабини шаклланишида тарбиянинг ўрни беқиёсдир. Дин, асосий тушунчалари ва таълимотларини ўрганиш ҳар бир инсон, жумладан бизнинг ўқувчиларимиз маънавий-маданий даражасини



таъминлашда катта аҳамиятга эга. Шу маънода диннинг таълим - тарбия жараёнидаги роли ғоят катта эканлигини алоҳида таъкидлаш лозим.

Маънавият инсон туғилишида она сути, унинг алласи, меҳри, аждодлар қадриятлари таъсири остида шаклланади. Унинг шаклланишида оиладаги муҳит, жамиятдаги ҳамжиҳатлик, давлат олиб борадиган сиёсатдаги адолатпарварлик ва инсонпарварлик қай даражада амал қилиниши асосий ўрнини эгаллайди. Маънавиятнинг моддий кучга айланиши ҳар бир инсоннинг хатти-ҳаракатларида, ўз оиласи, миллати ва Ватанига бўлган муносабатларида намоён бўлади. Юқорида айтганимиздек, унинг шаклланишида ота-она, инсон яшаётган атроф-муҳит, миллий, диний қадриятлар, жамиятдаги инсонпарварлик ва адолатпарварлик сиёсати муҳим аҳамиятга эга.

Одам ота-онадан туғилади, аммо унинг ахлоқи, одоби борасидаги фазилатлари, яъни маънавий дунёси жамиятда, ижтимоий, сиёсий, иқтисодий муносабатлар таъсирида шаклланади. Инсоннинг маънавий олами асосан ижтимоий тараққиётнинг маҳсули бўлса ҳам, у ўз навбатида, жамият тараққиётига ниҳоятда катта таъсир кўрсатади, уни белгилаб берадиган омиллардан бири саналади. Одамларда ахлоқ одоб, иймон, виждон, ҳалоллик, меҳнатсеварлик, байналминалчилик, инсонпарварлик эътиқоди, ватанпарварлик, миллий ва инсоний ғурур туйғуси, бурч ва маъсулиятни ҳис қилиш қанчалик кучли, юқори бўлса, жамият тараққиётининг заминлари ҳам кенгайишига, тинчлик, осойишталик, ҳамжиҳатлик барқарор бўлишига олиб келади.

Маънавият жамият тараққиёти, миллат камолоти ва шахс баркамоллигини белгилаб берувчи асосий мезонлардан бири ҳисобланади чунки, маънавият ривожлангандагина жамиятда иқтисодий ва ижтимоий-сиёсий барқарорлик вужудга келади ҳамда мамлакат ва миллат тараққий этади. Бу ўз навбатида шахснинг баркамол ривожланиши учун зарур бўлган замин бўлиб хизмат қилади. Маънавий баркамол инсон тушунчасининг ўзи кенг камровли, серқирра тушунча. Маънавий баркамол инсон - комил инсон



тушунчаси билан ҳамоҳангдир. Айни вақтда маънавий баркамол инсон тушунчаси соғлом авлод тушунчаси билан ҳам боғланиб кетади. Илмий адабиётларда бу тушунчалар алоҳида-алоҳида ишлатилса-да, моҳиятан уларнинг ҳаммаси инсон ахлоқи ва одобини, уларда шаклланган барча ижобий хислатларни, уларнинг инсонларга, жамиятга ва Ватанга бўлган муносабатларидан тортиб, токи оилага, ота-онага ва бошқаларга муносабатларининг барча қирраларини қамраб олади.

Маънавиятни ўрганишга киришганлар эса мана шу мезонларга ўзлари амал қилгандагина юқорида кўрсатилган комил инсон даражасига эришадилар.

Биринчи Президентимиз Ислом Каримов халқимизнинг буюк фазилатлари ҳақида тўхталиб инсонпарварликнинг ўзбекларга хос қирраларини кўрсатиб беришга эътиборни қаратган шундай деган эдилар: «Инсонпарварлик бу ўзбек халқи миллий руҳиятининг ажралмас фазилатидир. Шафқатсизлик ва зўравонлик унинг табиатига ётдир».

Худди мана шу фазилатларимизнинг моҳиятини ўқувчиларга етказиш муаллимнинг диққат марказида бўлиши зарур. Чунки миллий маънавиятимизнинг асосий манбалари ана шунга бориб тақалади. Бугунги ёшларимиз бунинг моҳиятига етиб боришлари зарурдир.

Хулоса ўрнида:

Хуллас, ҳар бир фарзанднинг ўз ота-онасини эъзозлаши, фарзандлик бурчи ва жамият олдидаги шарқона талабларига ҳаммамиз амал қилишимиз ҳам фарз ва ҳам қарз, фарзандлик бурчимиздир. Ота-онага таом бериш, озода қилиб кийинтириб қўйиш, касал бўлганда шифокорга кўрсатиш керакли дори-дармонни келтириш, доимо ҳол-аҳвол сиҳат-саломатлигини сўраб туриш, ота-она олдида «ўх» тортмаслик, гердаймаслик лозим бўлади. Зеро, маънавиятли инсонлар ота-оналари олдида ўзларини қандай тутишларини яхши биладилар.

Маъруза давомида тарихга ҳам назар ташланди, зеро халқимиз буюк ва серқирра тарихга эгадир, кези келганда айтиш жойизки, инсоният тараққиётини ҳозирги дунё тараққиётини асоси қадим давлатларимизга, улар



яратган маънавий меъросимизга бориб тақалади. Шунинг учун «Тарихга назар ташлаб иш тутмоқ хайрлидир» деган иборани доим ёдда тутиш ўринли деб биламан.

Фойдаланган адабиётлар:

- 1 И.Каримов: “Юксак маънавият-енгилмас куч”. Тошкент, 2008й.
- 2.С.Носирхўжаев, М.Лафасов, М.Зарипов: “Маънавият асослари”. Тошкент, “Фан”-2002.
- 3.Абдусайдов А. «Диншунослик асослари». Т,1995 й.
4. А.Авлоний: “Туркий Гулистон ёки ахлоқ”.